



«ПУЛ КЕРАКМИ?..»

Мақолада кўтарилган фикрлар ҳаммани қизиқтириши, шубҳасиз. Уни тезроқ амалга ошириш керак.

Рўзнорма ходимларига бир илтимосим бор эди. Шу мавзунинг кенгроқ ёритиш лозим. Токи, унда айтилган таклиф жумҳурият раҳбарларига ҳам етиб бориши.

Шоҳсанам ТОЖИМЕТОВА,
Тошкент шаҳар, Содиқов
Ярослав кўчаси, 5-уй.

«Пул керакми?..» сарлавҳали мақола ўз вақтида ёзилган. Уни ҳимоя қилиш шарт.

Бизнинг истагимиз шу: Қўрғонбоевнинг таклифи ЎзССЖ Олий Кенгашининг навбатдаги сессиясида депутатлар ҳуқуқига ҳавола этилса. Зора иш тезлашиб кетармиди?

**А. АШУРОВ,
С. МЕИЛИЕВ,
Г. ТОҒАЕВ,
Р. АҲМЕДОВ.**

Қарши Давлат педагогика олийгоҳи толиблари.

Сир эмас, ҳозир кўпчилиги йигит-қизлар ҳунар ўрганишни йиғиштириб қўйиб, осон йўл билан пул топишга ўтиб кетишган. Уларнинг анчагинаси билиб-билмай жиноятга қўл урмоқдалар. Маъбодо аҳоли ўртасидаги пул муомаласини бошқаришни ЭХМлар қўлига топширилса, бундай кўнгилсизликларга чек қўйиларди.

Н. АЛИМОВА,
болалар боғчаси тарбиячиси.

«Постда» рўзномасининг 16 март сонидagi «Пул керакми?..» мақоласини биз ишчилар ўқиб, ўзаро муҳокама қилдик. Ва сизларга хат ёзишни келишиб олдик.

У ерда жуда долзарб масала қаламга олинган. Қандай қилиб бўлмасин, уни амалга ошириш керак. Яширининг ҳолати йўқ. Ҳозирги пайтда жуда кўплаб завод, корхона ва ташкилотларда сон-саноксиз ЭХМлар бўш — ишсиз ётибди. Ана шу бекорчи машиналардан ўз ўрнида фойдаланиш лозим. Ахир, уларга ҳам озмунча пул сарфланмаган-ку?! «ТошЭКС» бирлашмасининг бир гуруҳ ишчилари.

Шахсан мен бу усулнинг амалга ошишига ишонмайман. Чунки шу пайтгача қандайдир яхши таклиф чиқса, раҳбарлар қаршилини қилиб келишган. Аҳоли ўртасидаги пул муомаласини электрон-ҳисоблаш машиналари ёрдамида бошқаришни ҳам шундай қисмат кутаётир деб ўйлайман. Бу менинг шахсий фикрим. Яна тағин, билмадим.

М. ЕШИМБЕТОВ,
Қорақалпоғистон Совет жумҳурияти, Беруний тумани, нигтисодчи.

Шу пайтгача «дўкон—кон» деб ўйлаганларнинг кўчили

лиги шахсий бойлик орттириш мақсадида ўзини савдога урарди. Агар бу усул амалга ошса, дўкон ҳақиқий иш жойи бўлиб, харидорлар ҳақиқа ҳеч ким кўз олайтира олмасди.

**Р. ТОЖИБОВЕВ,
К. ЭГАМБЕРДИЕВ,
Т. САФАРОВ,
Р. ЭРМУХАМЕДОВ,
Ф. ТУХТАЕВ.**

Тошкент экскаватор заводи ишчилари.

Мақолани янада кенгайтирилган ҳолда чоп этишининг иложи йўқми?

Чунки кўп одамлар беҳабар қолган. Улар ҳам ўқишарди. Кейин «ИИВ хабар беради» деган телевидениедаги кўрсатувда ҳам бу ҳақда жумҳурият аҳолисига тушунтириб бериш лозим.

Феруза ТўЛАМЕТОВА,
Юнусобод даҳаси.

Пул муомаласини ЭХМга топширсак, кўплаб одамларнинг умрига умр қўшилди. Чунки пулни ўғирлаб оламан, деб неча шўрликни ўлдириб кетишарди.

Жумҳуриятимиз раҳбарлари бу ишни тезроқ амалга оширса, олқишга қоларди.


Динара КАРИМОВА,
САМПИ тиббиёт ҳамшираси.

«Пул керакми?..» мақоласи муаллифи А. Қўрғонбоевга мингдан-миг раҳмат! Шундай яхши ниятли одамларимиз кўпаяверсин. Ташкилотларга, идораларга практикага борганимизда, валютага, яъни олтинга олинган чет эл ЭХМларининг чанг босиб ётганини кўрганмиз. Ана ўшаларни бемалол ишлатса бўлади-ку!

**Р. САИДНАЗАРОВ,
Ш. ҚОДИРОВ,
Б. МИНГБОВЕВ,
О. УРАЗБОВЕВ,
Л. ҲАЙИТМЕТОВ,**
коммунал хўжалиги техникуми талабалари.

Қўрметли редакция! Жуьрда «Постда» деген газетада жарияланган А. Қўрғонбаевнинг «Пул керакми?» мақоласини оқиб қатти қуандим. Ўрлық-қарлыққа, алып-сатарлыққа қарсы шығарилган бул жоб барлық еңбекчи халықты қызықтырады және қуантады деп ойлаймын. Осы жобаны аз кун ішінде амалга асырсақ, өте жақсы болар еді. Редакция алқасы, сіздерден жобаның амалга асырылуын қолға алуларыңызды сұранамын!

Гүлбаевтар семьясы
ҚазССР Шымкент облысы
Сайрам ауданы
Тассый поселкесі, Гоголь көшесі, 3



ҚОП ТАГИДАГИ 315 МИНГ СЎМ



Андижон шаҳар улғуржи савдо базаси омборидаги қоплар тағида бутун бир хазина ётганини шаҳар ИИБ БХСС бўлинимаси ходимлари очиб ташлашди. Тўсатдан ўтказилган текшириш давомида тажрибали ходимларда ғалати тахланган қоплар шубҳа уйғотди. Бирма-бир олинган қоплар тағидан 315 минг сўм пул топилгани уларнинг гумони ўринли эканлигини тасдиқлади.

СУРАТЛАРДА: [чапдан иккинчи] омбор мудир Исмоил Мадраҳимов хазинани кўрсатмоқда; бу пуллар ўша ердан топилган.

Ғуломжон УБАЙДУЛЛАЕВ олган суратлар.

«02» ХАБАРЛАРИДАН

НАГАННИ ТАШЛАБ ҚОЧДИ

ТЕМИР йўлларда ташилаётган халқ хўжалик юкларини кўз қорачўғидек асраш мақсадида ҳарбийлашган соқчиллик ходимларига қурол ҳам бериб қўйилган. Уни қачон ва қандай ҳолатларда қўллаш ҳақида махсус кўрсатмалар ишлаб чиқилган. Ўрта Осиё темир йўлининг ҳарбийлашган соқчиллик отряди Тошкент қоровуллиги бошлиғи 26 ёшли М. Қозоқбоев бу борада бошқача фикрга эга экан.

20 апрель кунини Куйбишев шоҳкўчасидаги осма ўтқал остида жойлашган техник хизмат кўрсатиш бекати яқинида унинг безорилиги қайнаб-тошиб, қўли хизмат нагани дастасига югурди. Лекин мўлжалга қўриқланаётган юкка кўз олайтирган нопок кимсалар эмас, балки Тошкент станцияси депоси машинистлари 26 ёшли Н. Аббасов ва 25 ёшли Ж. Пиримқоловлар олинди. Тонгги суку-

натини уч марта узилган ўқ бузиб, Н. Аббасов қўли ва қорнидан яраланди. Бахтли тасодиф тўғайли Ж. Пиримқоловнинг омади чопиб, бешикаст қолди. Қоровуллар бошлиғи наганини ташлаб, аллақайқа қочиб бўлди.

КЕТМА-КЕТ ҲАЙРАТЛАНИШ

АВВАЛИГА Тошкент шаҳар Чилонзор даҳасида яшовчи 32 ёшли А. Василенко ҳайратини яшира олмади. Чунки уйига бостириб кирган икки номаълум шахс қайирғич ва ...қурилиш тўппончаси(1) билан қуролланганди. Бироз ўтгач, ажабланиш навбати пул талаб қилган босқинчиларга келди. Жумҳурият байналмилалчи жангчилар уюшмасининг хўжалик ҳисобидаги участкаси директори А. Василенко қақирилмаган меҳмонларни шундай «шоҳона» сийладики, уларга сичқонининг ич минг танга бўлиб кетди. Қочиб ҳам узоққа боришолма-

КИЧҚИРИҚ ФОЙДА БЕРДИ

«ПРАВДА» газетаси кўчасидан ўтиб бораётган милиция ходимларининг диққатини уй равонидида кичқираётган кампир тортди. Кўпқаватли уйнинг юқорисига кўтарилган милиционерлар эшикни бузиб ичкарига кирдилар. Ишнинг чаппасига айланганини сезган жиноятчилар ўзларини 5-қаватдан пастга отишди. Ўзларига жабр бўлди. 27 ёшли на иш, на яшаш жойининг тайини бўлмаган Андрей Ч. касалхонага ётқизилди. Маълум бўлишича, у шериги «Тошинформатика» ишлаб чиқариш бирлашмаси дуррагори Анатолий В. билан кампирни алдаб, уйга кириб олишган. Қўлбола тўппонча ва пичоқ билан дўқ-пўписи уриб, уни тунамоқчи бўлишарди. Узини йўқотиб қўймаган аёл равонга югуриб чиқиб, одамларни ёрдамга чақирган.

Ғ. БОЛТАБОВЕВ.

ОСОЙИШТАЛИК ТИЛАЙМИЗ

Одамларни ўзига оҳанграбодай тортиб турган бу дўкончалар файзига беҳосдан ўрмалаб келган қимматчилик ҳам путур етказолмади. Рўзнома ва ойномалар билан савдо қиладиган дўкончалар ҳануз гавжум, ҳамон навабда турибгина мақсадга етишиш мумкин.

Қайта қуриш шарофати билан яна диди баланд рўзномасеварлар қўлига теккан «Постда»нинг ижодий жамоаси ҳам кўпсонли обуначилар ва мухлислар ишончини оқлашга ҳаракат қилмоқда. Бунда бизга ўнлаб жамоатчи мухбирларимиз кўмаги ниҳоятда асқотмоқда.

ЎзССЖ ИИБ «Қўриқлаш» бирлашмасидан милиция капитанлари Революция опа Ҳасанова, Мирхон Мираҳмедов, Наманган вилояти ИИБдан милиция майори Неъмат ака Мамажонов, Фарғона вилояти Риштон тумани ИИБдан милиция катта лейтенанти Эминжон Обидов, Қува тумани ИИБдан милиция катта сержанти Раҳимжон Раҳимов, Тошкент вилояти ИИБдан ички хизмат майори Миркарим Мирсовуров, Бухоро вилояти ИИБдан милиция лейтенанти Зикрилло Неъматов, Тошкент шаҳар ИИБдан милиция майори Икромжон Раҳимов, милиция старшинаси Холмуҳаммад Мўйдиновлар номини бугун ҳурмат билан тилга оламиз.

Шунингдек, милиция фаолиятига оид ранг-баранг мавзуларда қалам тебратётган тошкентлик Маҳкам Ҳакимов, Раҳмонали Акбаралиев, Шовқиддин Самиев, андижонлик Маъмуржон Болтабоев, Муҳаммаджон Мамажонов, қосонлик Нормамат Тоғаев, суратлар олаётган тошкентлик Боқижон ака Холмиров, бағдодлик Ғуломжон Убайдуллаев, китоблик Эргаш Қўлмуродовлар ёрдамисиз «Постда»ни ўқимишли чиқишини тасаввур қилиш қийин. Безакли сарлавҳалар, бошқотирмалар муаллифи ЎзССЖ ИИБ ходими милиция майори Элшод Раҳматов хизмати ҳам ўзига хос.

Рўзнома жамоаси барча фаолларимизни, ҳамкасбларимизни ва рўзномасеварларни 5 май — Матбуот куни билан табриқлайди, уларнинг хонадонига кут-барака ва осойишталик тилайди.

5 МАЙ — МАТБУОТ КУНИ



МАТБААЧИЛАР

(СУРАТЛИ РЕПОРТАЖ)

Ўзбекистон Комфирқаси Марказий Қўмитаси Нашриёт-ишчи-хизматчилари журналистлар билан қўлини-қўлига бериб, рўзномалар ва ойномаларни сифатли чоп этишда тиним билмай заҳмат чекаптилар.

Рўзномани олиб завқ билан ўқий бошлаган ва саҳифаларда кўзга ташланаётган суратларга нигоҳ қадаётган ҳар қандай газетхон уни нашрга тайёрлаётганлар меҳнати нақадар мураккаб экан-

лигини тасаввур қилса керак.

Қўйида нашриёт фидойиларидан айримлари билан Сиз азиз муштарийларимизни таништирамиз.

Раиса Петрико мақолаларни териб беради. 33 йилдан буён бу даргоҳда ишлаётган, ҳалол ва тиришқоқ, меҳнатсевар аёлнинг хизмати муносиб тақдирланди. «Жумҳуриятда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвонига сазовор бўлди (1-сурат).

Монтажчи Ойша Шоназарованинг ҳам ўз касбига ихлоси баландлигини бажараётган ишини кузатганда сезасиз (2-сурат).

Гальванотипист Шавкат Исмоилов рўзномалар акси тушган махсус металл пластиналарга жилов беради (3-сурат).

Рўзнома ижодкорларининг меҳнати маҳсулини ёруғ жаҳонга чиқариш босма цехи ишчиларига ҳам катта боғлиқ.

Босувчилар (печатники) Виктор Колибякин ҳамда Виктор Колчанов шу цехнинг илгор ишчилари ҳисобланишади (4-сурат).

Суратли репортаж муаллифи Ҳабибулла ШОДИЕВ.



БИЗНИНГ ШУНДАЙ МУХБИРИМИЗ БОР

Рўзномамиз қайта тикланиб, эндигина бир-иккита сонини чиқаришга улгурган пайтимизда тахририятимизга хат келди.

«Постда» рўзномасининг илк сонини қўлимга олиб, қувончим ичимга сиғмай кетди, дейилганди унда. — Жуда савоб ишга қўл урибсизлар. Ана шу хайрли ишда сизлар билан ҳам-

корлик қилмоқчиман. Кўпинча, «Тошкент оқшоми» рўзномаси тахририятида бўлман.

Яна милициядан сўраяпмиз, деб у ердагиларни чўчитиб юборманглар (ҳазил)...»

Шундай қилиб, Маҳкам ака Ҳакимовни топиб олдик. У киши ёшлари бир жойга

бориб қолган бўлсада, ғайратшижоатда анчайин журналистларни ортада қолдирарканлар. Шу пайтгача кўплаб қизиқарли ва долзарб мавзудаги мақолалари билан рўзномамизда қатнашиб келаяптилар.

Қўйида жамоатчи мухбири-миз М. Ҳакимовнинг материални эълон қилаяпмиз.

«ТЕМИР САНДИҚ»НИ ОЧИШ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Рўзноманинг 16 апрель кунги сониде Тошкент шаҳар Киров тумани Кенгаши депутати, катта участка вакили, милиция капитани Турғун Расуловнинг «Темир сандиқ қачон очилади?» сарлавҳали мақоласини икки-уч марта оқиб ўқидим. Аввало, равон тилда ўқимишли қилиб ёзилган, қолаверса, ҳозирги ҳаётимизнинг энг оғриқли муаммоси кўтарилган. Лекин менга бу мақолада нимадир етишмаётгандек туюлаверди. Ниҳоят топдим — унда далил йўқ экан.

Шу боис муаллифнинг оқилон ва одилон фикрларини далил-исбот билан бойитишга жазм қилдим.

Яқинда жамоатчи мухбир сифатида Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ИИБга бордим. Дастлабки хулосам шундай бўлдики, милиция майори Эркин Абдуллаев раҳбарлик қиладиган бу бўлимда хизмат қиладиганлар қарийб икки йил

олдин ўзбек тилига давлат мақоми берилганидан мутлақо беҳабар кўринадилар.

Шундоқ бўлимга кираверишдаги каттагина ойнаванд хонага катта-катта ҳарфлар билан «Навбатчи қисм» деб ёзилган экан. Лекин шу ёзув остидаги махсус тахтачада «Сегодня дежурят опердежурный... пом. дежурного...» деган сўзларни кўриб, «Е, алҳазар!» деб юборганимни сезмай қолдим.

Унг томондаги деворда эса «Правила подачи заявлений и сообщений, права заявителя, права на получение талона уведомления на обжалование действий сотрудников ОВД Аккурганского райисполкома» деган ёзувни кўриб, «Е, алҳазар...» дея ҳайратланишга шошилганимни тушундим.

Хуллас, бўлимда рус тилида битилган шior, лавҳалар гиж-гиж эди. Уларни дастлаб синчиклаб ҳижжалаб, кейин шунақаи кўз ташлаб, ўқий бошла-

дим. Ҳатто кўзларим ўрганиб кетганидан «Приёмная руководства РОВД Аккурганского РИКа» деган ёзув ҳам энсамни қотирмай кўйди.

Лекин «КПСС XXVIII съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этишимиз!» деган ёзувни кўриб, ўйланиб қолдим. Шунча ёшга кириб, «тадбиқ» деган сўзни эшитмаган эканман. Агар «сўз охиридаги «к» ҳарфининг «ёғи»га қалиш кийгизиб қўйилганда, тўғри маъно келиб чиқарди.

Ана энди асосий мақсадга кўчсак ҳам бўлади. Муаллифнинг «темир сандиқ» қачон очилади-ю, давлат тили ҳақидаги қонун қачон ижро этила бошланади, деган саволига нима деб жавоб беришга ҳайронман. Агар ички ишлар идораларидаги барча раҳбарлар Оққўрғон тумани ИИБ бошлиқларига ўхшаб фаолият кўрсатсалар, бу муаммо муаммолигича қолаверад.

Маҳкам ҲАКИМОВ.



СУРАТКАШ САЪДУЛЛА

Рўзномамизда Хоразм вилояти ички ишлар идоралари фаолияти суратларда тез-тез акс этиб турган экан, шак-шубҳасиз бунда Дўстлик шаҳар ИИБ милиционерни Саъдулла Бобоевнинг ҳиссаси беқийс.

У олган суратларда милициянинг жиноятчилик билан кураши, халқ билан алоқасининг мустаҳкамланиши, турли туман тадбирлар ички ишлар идораларида қандай ўтказилаётгани ўз аксини топган.

Жамоатчи мухбир сифатида Саъдулла Бобоевдан яна бир ёлчиган томонимиз бор. У нафақат сурат олибгина қолади, балки қизиқарли мақолалар ҳам ёзиб туради. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу суратда Саъдулла Бобоев давлат автомобиль назорияти катта инспектори Қ. Собировнинг хизмати билан таништиради.



Кўпгина ҳолларда пост-патрул хизмати ходимларининг ишлари кўзга кўринмайди. Айни пайтда энг нозик, масъулиятли юмушларни адо этмиш уларнинг зиммасида бўлади.

Қачон кўчага чиқсангиз, уларни учратишингиз мумкин. Хоҳ кечаси бўлсин, хоҳ кундузи — улар донмо халқ орасида юришади.

Сиз билан биз ишдан бўш вақтларимизда кинотеатрларга борамиз, истироҳат боғларида мириқиб ҳордиқ чиқаришимиз мумкин. Улар эса сиз ва бизнинг оёйишталигимизни қўриқлаш билан овора.

Кейинги пайтларда Тошкент шаҳар ИИБ пост-патрул хизмати бўлаги ўз касбига фидойи йигитлар ҳисобига бойитилди. Айни пайтда уларнинг малакасини ошириш бўйича ҳам кўзга кўринарли ишлар қилинди. Икки миллиондан ортиқ аҳолиси бўлган Тошкентда шайхри азимда тобора жамоат жойларида қонунбузарликлар камайиб бораётганлиги шундан далолат беради. Бу борада Чилонзор тумани ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда иш юритаётган рота хизматини алоҳида таъкидлаш керак.

СУРАТЛАРДА: 1. Милиция катта сержанти Комилжон Пулатов ва милиция сержанти Маҳкам Абдуллаевлар ўзаро фикр алмашмоқдалар. 2. Милиция сержантлари Турсункул Шодималиков ва Рўзимат Исқандаровлар йўл ҳаракати қондасини бузган Аҳмад Сулаймонов билан суҳбатлашишяпти.

Сураткаш
Ҳабибулла ШОДИЕВ.



МИЛИЦИЯ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Андижон шаҳрида нуроний отахонлар суҳбатига бўлган пайтимиз бор.

— Туянинг юки енгил бўлса, ётиб оладиган қилиқ чиқаради, деган гап бежиз эмас экан. Одамлардан имон кўтарилиб кетаяпти, назаримда, — деган эди оппоқ соқоллари кўксига тушган отахон. — Шундай тўқчилик замонасида бепарво бўлиб бораётганимизга ҳайронман. Маҳаллаларнинг ичидagi кўчаларга кириб қолсанг, табиятнинг тирриқ бўлади. Обод жойда ахлат уюми, сув оқиши керак бўлган ариқлар кўмилиб кетган, дов-дарахтлар қовжираб ётади. Шу аҳволни раҳматли Матаз мелиса кўрганида борми?

Ҳайрон қолдик. Матаз мелисанинг озодагарчиликка нима алоқаси бор экан? Ахир, ободончилик билан шуғулланганидан, шунинг ортидан нон ейдиган кишилар аввал ҳам бўлганми? Хўш, Матаз мелиса деганлари ким бўлган эди? Фурсат топилиши билан ана шу саволларга жавоб қилиб Андижон шаҳрининг Хоразм кўчасига бордик.

— Мен у пайтларда ёш эдим, — деб хотирлайди 1922 йилда таваллуд топган, 162-қурилиш трестига қурувчи бўлиб ишлаган, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, пенсионер Сайфиддин ака Ҳасанов. — Мелиса формаси кийган Муҳаммадазиз акани тўппонча тақиб, кўчамиздан ўтганини кўрдим. У фақат оёйишталиқни муҳофаза қилиш билан чекланиб қолмай, атроф-муҳитнинг тозаллигига ҳам катта эътибор беради. Бу ҳақда мендан ҳам яхши биладиган одамларни сизларга учраштириб қўяман.

Биз у кишига эргашиб, шу кўчада истиқомат қилувчи 89 ёшли Содиржон ота Бўронов ҳузурига бордик.

— Муҳаммадазиз икковимиз тенгдош эдик, — дея Содиржон ота ҳикоясини бошлади. — Унинг кўзи турма гилай эди. Шунинг учун ёмон кўрадиганлар орқаворотдан «Матаз кўр» деб ҳам айтишарди...

Муҳаммадазиз икковимиз болалигимизда бойларнинг мол-қўйларини боқиб, экинзорларини парвариш қилиб кун кўрардик.

АНДИЖОНЛИК МАТАЗ МЕЛИСА

Ўртоғим менга қараганда пишиқ-пухта эди, янги тузилган милиция отрядига отбоқар бўлиб ишга кириб олди. Кўпийча командиримиз Қурбон Жалилов ундоқ одам, мундоқ одам, деб оғзини тўлдириб гапирарди. Ҳатто командирини ўзбек Чапаевни деб айтганида анграйиб қолардим.

У тиришқоқлиги, уddaбуронлиги ва ҳеч нарсадан қўчмаслиги туфайли «Ўзбек Чапаев»нинг назарига тушди. Тез орада отрядга жангчи қилиб олинди. 1921—1924 йилларда Хонобод, Жалолобод, Султонобод, Ўзган, Навқат, Андижон, Файзобод, Марҳамат ҳудудларида Эргаш қўрбоши, Мадамин, Ўсар қўрбоши, Аҳмадпосод, Қозоқ қўрбоши каби ўнлаб босмачи тўдалари билан бўлган шиддатли жангларда қатнашди.

Қизгин суҳбатимизга шу кўчадаги 56-уйда истиқомат қилувчи меҳнат кексаси Абдумуталиб ака Мамадалиев қўшилди.

— Матаз ака ҳақиқий коммунист эди, — дея хотирлайди у. — Ишда ҳам, уйда

МИШ-МИШ ТАРҚАТУВЧИ ИҒВОГАРЛАР

Қўқондаги Пугачёв, Узоқов, Канарев кўчаларидаги бир қанча уйларда яшовчилар апрель кунларининг бирида ўзларининг почта қутиларида иғвогарлик мазмундаги варақаларни топиб, ҳайрон бўлиб қолишди. Бу варақаларда яхуди ва арман миллатига мансуб кишиларга омон қолай десанг май ойигача жумҳуриятдан чиқиб кет, деб таклиф қилинган эди. Бир неча кун ўтгач, номаълум иғвогарларнинг бундай «маҳсулоти» Наманганда ҳам пайдо бўлди.

Лекин уларнинг номаълумлиги узоққа чўзилмади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг тергов-оператив ва профилактика тадбирларини ўтказиши натижасида уларни тезда аниқлаб, жавобгарликка тортишга муваффақ бўлдилар. Бу шахслар одамларда ташвиш ва хавотирлик уйғотиш, беқарорлик ва ишонсизлик муҳитини вужудга келтириш учун ана шундай нопок ишлар билан шуғулланганлар. Бундай вазият турли хунук режаларни ва «яширин» ҳунарларни амалга ошириш учун жуда қулай бўлади.

Бундай иғво тарқатиб келган одамлар кимлар? Улардан бири 19 яшар Зоҳид Раҳимов Андижон колхоз бозорида иғвогарона миш-мишлар тарқатиб, одамларнинг уйларига ўт қўйишга даъват этаётган пайтда ушланди. Унинг ўзи Андижондаги Оқёр қишлоғидан, ҳеч қаерда ишламайди. Суд жамоат тартибни бузган бу шахснинг ёшлигини ҳисобга олиб, унга нисбатан 15 кун қамоқ жазоси белгилаш билан чекланди. Андижондаги «Шарқ» кафе-сида маст ҳолда худди шундай «жасорати» учун ҳеч қаерда ишламайдиган 20 яшар Ғайрат Мирзахонов ушланди. Халқ суди уни 30 кун қамоқ жазосига ҳукм қилди. Илгари у жиноят содир этганлиги учун судлангани ҳисобга олинди.

35 яшар Адмон Асқаров ҳам андижонлик. У икки марта судланган. Бошқа миллатга мансуб фуқаролар унга нима ёмонлик қилган экан, унга қайси ишда тўсқинлик қилган экан? Асқаров маст ҳолда уларни ҳақорат қила бошлади, «келиндиларни» ўлдириш, уй-

ларига ўт қўйиш керак, деб бақирди. Бундай даҳшатли сўзлардан кейин ҳеч қандай амалий ҳаракат бўлгани йўқ. Шунга қарамай халқ судьяси иғвогарликдан иборат гаплари учун безорини бир ой қамоқда сақлашга етарли асос бўлади, деб ҳисоблади.

Бурғиловчи Саидахмад Аъзамхонов ҳам ана шундай ҳатти-ҳаракатлари учун, тўғрироғи ҳатти-ҳаракат эмас, балки мастликда безорилик билан дўқ-пўписа қилганлиги учун ярим ой ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм этилди. Тўғри, унинг дўқ-пўписалари аниқ одамларга қаратилган эди: «Андижаннефтепром» посёлкасидаги универмаг пештахталарида керакли газламанни топа олмаган маст бурғиловчи сотувчиларга уйлари-нинг ҳам, универмагининг ҳам ўт қўяман, деб дўқ урди. Рўза-ҳайит ўтгандан сўнг кунининг кўрасан, деди. Халқ суди эса рўза-ҳайит ўтишини кутиб ўтирмай ҳукм чиқарди. Ахир, дўконларнинг пештахталарида газлама эмас, бошқа молларни ҳам топиб бўлмайди-да.

Миллатлараро нифоқ солишга қаратилган бундай ишлар пухта текшириб чиқилганда, иғвогарлар ортида ҳеч қандай ташкилот ёки гуруҳ йўқлиги маълум бўлди. Улар ҳеч кимнинг иродасини ифодалаган эмас, уларнинг ҳаммаси шахсий қийинчиликлардан даргазаб бўлган кишиларнинг маст ҳолда безорилик қилишдан иборат. Лекин бундай аҳволга бепарволик билан қараб бўлмайди. Мазкур ишлар юзасидан халқ судининг чиқарган ҳукмлари: давлатда миллатлараро нифоқни келтириб чиқаришга ҳар қандай уринишларни жазолайдиган қонун мавжуд экан, бу қонунни ҳар бир киши ҳурмат қилиши ва бажариши шарт, деб огоҳлантирмоқда.

Эслатиб ўтамиз, жумҳурият ички ишлар вазирлигида «ишонч телефонлари» ишлаб турибди. 33-63-77 ёки 56-56-14 рақамларини исталган вақтда териб, ўз ташвишларингизни айтишингиз, аниқ воқеалар юзасидан тушунтириш олишингиз, у ёки бу вазият юзасидан маслаҳатлашингиз мумкин.



қулланди. Фақат оёйишталиқни назорат қилиш билангина шуғулланиб қолмади. Тош йўллар, йўлаклар, майдонларнинг қатъий тартибда ҳар кун икки маҳалдан су-пуриб-сидирилишини йўлга қўйди.

Халқ фаровонлиги, тинчлиги йўлидаги хизматлари ҳисобга олиниб, Муҳаммадазиз Азимов бир қанча фахрий ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар, жанговар медаллар билан тақдирланган.

У 1946 йили узоқ давом этган касаллик туфайли Жалолобод шаҳридаги шифонада вафот этди. Қабри ҳам ўша ерда қолди. **Мазмуржон БОЛТАБОВЕВ, Сироидин ҲАЙДАРОВ.**

ОЛИШУВ

РАСМАЛРНИ Э. РАХМАТОВ ЧИЗГАН

Тунги соат 4 лар чамаси. Бутун шаҳар уйқуда. Кундузи игна ташласа, ерга тушмайдиган даражада тирбанд бўладиган Бухоро кўчаларида ҳозир ҳеч зог кўринмайди. Жим-житлик. Гўёки пашша учса билинарли даражада.

Шу пайт осудаликни бўзиб, тор кўчадан бир машина чиқиб келди. Унда икки киши ўтирарди. «Жигули» секингина кетиб борарди. Уйларнинг биқинидан бир кимса югуриб чиқиб, машинанинг олдини тўсди. Ҳайдовчи тормозни босишга зўрға улгурди. У тўхтар-тўхтамас ҳалиги шахс орқа эшикни шартта очиб, ўриндиққа ўзини ташлади. Ва қўйнидан қирқма милтиқни олиб, уларга ўқталди. Сўнг ҳансираб буйруқ берди.

— Қимирлама иккаловинг ҳам. Йўқса, итдай отиб ташлайман.

Бу ишлар лаҳза ичида содир бўлди. Машинадагилар қотиб қолишди. «Қаҳрамон» буйруқ беришда давом этарди.

— Машинани ҳайда! Мени ҳозир Шарқ мавзесига олиб бориб қўсанлар. Айёрлик қилсаларинг, аспосопинга жўнатаман. Ҳайда, дейман сенга, аблаҳ, — дея милтиқни ҳайдовчининг бўйига тиради.

Унинг бутун уст-боши қонга бўялган, қинидан отилиб чиқаман, деб турган кўзлари олазарак. Бошқача айтганда, важҳати даҳшатли эди. Буйруқни бажармаслик фожиага олиб келиши турган гап.

Ҳайдовчининг ёнида ўтирган киши Бухоро вилояти ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими ходими, милиция майори Карим Аvezов эди...

Шу кунни вилоят ИИБнинг кўпгина ходимлари машина ўғирларига қарши ташкил этилган тунги патрулликда эдилар. Карим ака ҳам фуқаро кийимида ҳайдовчи Воҳиджон Ражабов билан шаҳар айланиб, соқчилиқ қилиб юрганди. Фалокат оёқнинг остидан чиқади, деганлари шу-да. Кутилмаганда ишнинг тескари айланиб кетиши Карим акани ҳам шошириб қўйди. Лекин кўп йиллик тажрибаси қўл келди. Ўзини босиб олди. Фақат шошилмаслик керак. Қулай пайт топиб, безорини, тўғрироғи жиноятчини зарарсизлантириб, қўлга олиш шарт. Кийим-бошидаги қондан кўриниб турибди-ки, у кимнингдир бахтига зомин бўлган.

Милиция майори ўзини хотиржам тутишга уриниб, ҳайдовчига маъноли қаради.

— Майли, Воҳиджон машинани бу оғайнимиз айтган жойга ҳайданг. Укамиз шошаётир, шекилли, ташлаб ўтамиз. Бу ҳам савоб иш. Манави йўлдан юрсангиз, тезроқ борамиз.

У атайлаб айланма йўлни кўрсатди. Ҳайдовчи ҳам шеригининг мақсадини тушунди — ва машинани ўша тарафга қараб бурди.

Милтиқли кимса атрофга аланглаб назар ташлади.

— Алдасаларинг, ўлдим



деяверинглар. — у шундай дея қирқманинг учини Воҳиджоннинг бўйига қаттиқроқ қадади.

Қандай бўлмасин, уни шу ерда — машина ичида қўлга олиш керак. Бўлмаса қочиб кетиши мумкин. Лекин қандай қилиб?

— Ука, нима бўлди ўзи, тинчликми? — деди майор уни чалғитиш мақсадида. — Бемаҳалда милтиқ кўтариб юрибсан, ҳамма ёғинг қон?

Зўравон «Сенинг ишинг нима?» дегандек унга ўқрайиб қаради. Сўнг хунук тиржайди.

— Кўп нарса билган одамнинг кунни кам бўлади. Бу гапни эшитгандирсан?

— Ҳа, энди, мавриди келгани учун сўрадим-да. Гаплашиб кетсак, уйқу ҳам қо-

чармиди?..

— Уйқунгни қочирайми? Унда эшит. Ҳозиргина мана бу қирқма билан учтасини тинчитдим. Ўзлари ахлоқлик қилувди, шартта гепкини босдим. Биттаси ер тишлади. Аблаҳларнинг иккитаси қочиб қолди. Ҳеч қиси йўқ, ерга кириб кетмайди-ку, тонг отгунча уларни ҳам топиб олиб, нариги дунёга жўнатаман. Қалай, кўнглинг тинчиб, уйқунг қочдими?

У зўрма-зўраки илжайди. Сўнг ҳайдовчига юзланди.

— Нимага бунча имиллайсан. Тезроқ ҳайда, бўлмаса сени ҳам аяб ўтирмайман.

— Милтиқингни у бечоранинг чаккасида олда, ука. Кўрайсан, йўл ёмон. Бунинг устига сен халақит бераёлсан, — деди Карим ака орқасига қараб.

Шу пайт анча олисда уларнинг изидан келаётган ДАН ходимлари машинаси-га кўзи тушди. Бирдан севиниб кетди.

— Ундай бўлса, сенинг пешонангни нишонга олиб бораман.

У милтиқни ҳайдовчининг бўйиндан олиб, шу заҳоти Карим акага ўқталди.

Не-не ҳодисаларни кўравериб пишиб кетган бўлса ҳам, чаккасида тиралган қуролни ҳис қилиб, баданини совуқ тер босди. Хаёлида фақат биргина истак чарх урарди. Нима бўлса ҳам, бу аблаҳ машинадаги милиция ходимларини сезиб қолмасин-да. Кўриб қолса, жини қўзиб, бир балони бошлаши аниқ. Нима қилсин? Шу пайт ялт этиб миясига бир фикр келди. Чўнтагидан сигарет чиқарди.

— Менгайм битта узат. Яна чўнтагини қовлади. — Ия, ўзи битта қолган экан-ку, ҳа, майли бирга чекамиз. Гугурт қаерда қолди?

Зикрилла НЕЪМАТОВ, Бухоро вилояти ИИБ ходими, милиция лейтенанти.

Абдул НАСАФИЙ, журналист.

(Давоми бор)

ХОДИСА

ЭХТИЁТСИЗЛИК ОҚИБАТИ

«Тез ёрдам» машинаси Бу хоро юқумли касалликлар касалхонасининг реанимация бўлимига икки болани олиб келди. Булар ака-сингиллар — тўрт ёшли Фаррух билан икки ярим ёшли Гулрух эди. Иккови ҳам оғир аҳволда келтирилди. Қоринларидаги кучли оғриқ туфайли болалар ҳушдан кета бошлашди, малакали мутахассисларнинг шошилиш ёрдам кўрсатишларига қарамай, Гулрухнинг ҳаётини сақлаб қолишга муваффақ бўлинмади. Фаррухнинг саломатлиги яхшилана бошлади.

Бу ҳодисани Бухоро шаҳар санитария-эпидемиология станцияси бош шифокорининг ўринбосари Хусан Сафаров шарҳлаб берди:

— Қон таркиби текширилганда организм дори истеъмол қилиш натижасида заҳарланганлиги маълум бўлди. Қаровсиз қолган болалар феррицион препаратининг 49 та(!) таблеткасини ейишибди. Бу — болаларни ҳалок этадиган даражада кўп. Агар дори уларнинг қўли етмайдиган жойда турганида, эҳтимол, бундай бахтсизлик юз бермасди.

И. САФАРОВ, ЎЗТАГ мухбири.

ЗАҲАРЛИ ҚУДУҚ

15 апрель кунни Бухоро вилоятининг Ромитан туманидаги «Газлигазқазништранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчилари чиқитлар қувурини тозалаш мақсадида қудуққа тушди. Бунда техника хавфсизлигига риоя қилинмаган бўлгани. Чунки қудуқдаги тўпланиб қолган заҳарли газ туфайли икки ишчи ўша заҳоти, учинчиси эса касалхонада вафот этди. Ўз мухбиримиз.

ҚИЗЛАР СЎРАЙДИ

Ўқишингиз мумкин

САВОЛ: Қизлар ўрта мактабни тугаллагандан сўнг милицияга ишга ёки махсус милиция мактабига ўқишга киришлари мумкинми?

Ш. ҚОДИРОВА, Наманган вилояти.

ЖАВОБ: Милиционерлик лавозимига ўрта маълумотга эга бўлган қизлар 18 ёшдан қабул қилинади. Махсус милиция мактабларига эса икки йиллик иш стажига (биринчи навбатда ички ишлар соҳасида) эга бўлган хотин-қизлар ички ишлар идораларининг тавсияномаси асосида қабул қилинади. Лекин улар сонин курсантлар ялпи миқдорининг 10 фоизидан ошмаслиги керак.

А. ЖАЛИЛОВ,

ЎзССЖ ИИБ кадрлар бошқармаси инспектори, ички хизмат капитани.

ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

Қорақалпоғистон Совет жумҳуриятининг ички ишлар вазирлиги этиб ички хизмат полковниги Жанабой Палимович ШИЛМАНОВ тайинланди.

Самарқанд вилояти ички ишлар қўмитаси ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Тўйғун Абдуллаевич ТҲУТАЕВга «милиция генерал-майори» махсус унвони берилди.

Биз уларни юксак лавозим ва юқори унвон билан чин дилдан қўтлаб, хизматларида омад тилаб қоламиз.

ҚИММАТЛИ РИСОЛА

Б.Насимов

ОРГАНИЗАЦИОННЫЕ И ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ПОЖАРНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ



Социалистик мулкни асраш жамиятимизнинг бутун тарихий тараққиёти даврида Совет давлатининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб келди ва шундайлигича қолади.

Ҳозирги шароитда социалистик мулкни кўз қорачиқидек асраш аҳамияти янада кучайган. Ижтимоий ва шахсий бойликни бус-бутун сақлашда ёнғиндан муҳофаза қилиш идоралари ҳам алоҳида ўрин тутарди. Ёнғиндан сақлаш бир тўп муаммолардан иборат. Масалан, шу пайтгача ёнғинга йўл қўймасликнинг ҳуқуқий ҳамда ташкилий масалалари амалий ва назарий аҳамиятга эгаллигига қарамадан ҳуқуқшунослик фа-

нида махсус тадқиқотлар йўқ эди.

Натижада давлат, ҳўжалик идоралари, жамоат ташкилотлари ҳамда фуқаролар ўртасида ёнғинга қарши курашни ҳуқуқий тартибга солиниши қийинчилик билан кечарди. Амалдаги қонунчиликда Шўролар Иттифоқи давлат ҳокимияти олий идоралари, иттифокдош ва мухтор жумҳуриятлар, вазирлик,

ташкилот, корхона, бирлашмалар, шунингдек, фуқароларнинг турар-жой ва халқ ҳўжалиги муассасаларини ёнғиндан асрашни таъминлаш ҳақидаги ҳуқуқ ва бурчлари аниқ белгилаб берилмаган. Бу эса ишчи анча чигаллаштираётган эди.

Яқинда «Меҳнат» нашриёти ССЖ ИИБнинг ёнғиндан сақлаш олий муҳандислик-техник мактаби Тошкент куллийети бошлиғи, ички хизмат полковниги Б. Қосимовнинг «Ёнғинга йўл қўймасликнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари» деб аталган китобини босмадан чиқарди. Китоб вазирлик, бирлашма, корхоналарнинг ёнғиндан муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи муҳандис ва техникларига ҳамда шу соҳани

ўргатувчи олий ва ўрта махсус билим юртлари тингловчиларига, ўт ўчирувчиларга мўлжаллаб чиқарилган.

15 босма тобоқ ҳажмидаги бу рисолада ҳуқуқшунослик фанлари доктори Б. Қосимов ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий ва ташкилий муаммоларининг комплекс ечимини кўрсатиб бера олган. Китобда биринчи марта ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг маъмурий-ҳуқуқий усуллари, моҳияти, тушунчасига тавсиф берилган.

ИХЧАМ ТАҚРИЗ

Ёнғинни сақлаш идораларининг бошқа давлат бошқарув идоралари ва жамоатчилик билан ёнғин хавфсизлигини таъминлашдаги ҳамкорлиги масалалари ва бу ишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари тадқиқ қилинган боб рисоланинг энг аҳамиятли қисмидир.

Китобдаги алоҳида бўлимда муаллиф Шўролар Иттифоқи ва қатор хорижий мамлакатлардаги ёнғин хавфсизлигини ҳуқуқий бошқариш аҳволи, шунингдек ССЖдаги ёнғинга қарши кураш йўллари янада такомиллаштириш ҳақида ўз фикрларини ёрқин ҳолда баён этиб беради. Шу билан бирга Б. Қосимов далилий рақамлар орқали шу соҳадаги илғор тажрибаларни тартибга солади,

камчиликларни таҳлил қилиб чиқади. Бу яхши. Лекин шу ўринда муаллифга баъзи бир тилакларни ҳам айтиб ўтмоқчиман.

Китобда машаққатли касб эгалари олдида турган турли масалалар иттифоқ миқёсида келтирилган. Агар Ўзбекистон ССЖ айни пайтда тенг ҳуқуқли суверен давлат сифатида танилаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, жумҳуриятимиз бўйича ички ишлар фаолиятида ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг такомиллаштиришга қаратилган узоқ муддатли, аниқ мақсадли дастур ишлаб чиқилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Шунингдек, унда халқ ҳўжалиги муассасаларини ёнғинга бардошлилик даражасига қараб суғурта тўловларининг илмий асосланган меъёрини ишлаб чиқиш ҳақида гап бормоқда. Бозор иқтисодиёти муносабатлари амалга оширилганини ҳисобга олган ҳолда халқ ҳўжалиги муассасаларидан ёнғиндан сақлаш учун олинатиغان ҳақларни даражаланган тарзда олишга эътибор берилганида эди, яхши бўларди.

Бундан ташқари китоб атиги 15 минг нускада чоп этилган. Бу ниҳоятда камдир. Келгусида шуни ҳам ҳисобга олиш керак.

Р. ҚОШИМОВ,

ички хизмат полковниги, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди.

Мухаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: Мухаррир,

муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 48-56 (ички).

«ПОСТДА» —

(«НА ПОСТУ»)

Орган коллегии МВД
УзССР

Рўзнома офсет усулида, А-3 қопида босилган 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.

Буюртма — 5409.

Индекс: 64615.